

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА «ОМАД» ҒЎЗА НАВИНИНГ ТРАНСПИРАЦИЯ ЖАДАЛЛИГИ ВА ХОСИЛДОРЛИК ДАРАЖАСИ

НАСИМОВА М.К

Самарқанд давлат университети

*Мақолада Самарқанд вилояти Пайариқ тумани тупроқ-иқлим шароитида етиштириляётган «Омад» ғўза навининг ўзига хос биологик хусусиятларга эга эканлиги навининг транспирация ва хосилдорлик даражаси жадаллигини аниқлашга эътибор қаратилган*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 4 февралда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ғўзанинг янги навларини синаш, сифатли уруғларни етиштириш, қайта ишлаш ва ғўзани навлари бўйича оқилona жойлаштириш жараёнларини такомиллаштириш ва назорат қилиш тизими» асосида ўтказиляётган ишлар катта аҳамиятга эга. Самарқанд вилояти тупроқ иқлим шароитида ўстириляётган янги навларнинг физиологик – биокимёвий хусусиятлари ҳамда уларнинг ноқулай омиллар таъсирига чидамлилиқ даражалари, вилоятнинг табиий–иқлим шароитларини эътиборга олган ҳолда тўла ўрганилган деб бўлмайди. Бу муаммоларни ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Бизнинг тадқиқодларимиз обекти сифатида ғўзанинг “Омад” нави кўлланилди. Бу нав Самарқанд вилоятида кенг майдонларга экилмоқда. “Омад” нави Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида яратилган. Госсипум хирзитум турига мансуб. 1999 йилдан бошлаб Давлат Реестрига киритилган.

Дала тажрибалари Пайариқ туманига қарашли «Рустам бобо» фермер хўжалиги ҳудудида ўтказилди Ғўзанинг биометрик кўрсаткичларини аниқлаш учун Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти ходимлари томонидан яратилган услублардан фойдаланилди. Ғўзанинг ривожланиш босқичларида транспирация жадаллигини аниқлашга эътибор қаратилди.

“Омад” ғўза навининг ўсиш жадаллиги ҳар 15 кунда: 15-май, 30-май, 15-июн, 30-июн, 15-июл, 30-июл кунлари аниқланди. Олинган маълумотлардан аниқланишича ўсиш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, 15-майда “Омад” ғўза навининг баландлиги ўртача 7,5 см, 30 майда ўртача 15,5 см, 15 июнда ўртача 36,2 см, 30 июнда ўртача 52,6 см, 15 июлда ўртача 74,0 см ва 30 июлда ўртача 89,2 см га тенг бўлиши аниқланди.

Ғўза транспирациясининг кунлик жадаллиги 30-май, 30-июн, 30-июл ва 30-август кунлари аниқланди. Бунинг учун эрталабдан бошлаб, ҳар 2 соатда бир марта яъни соат 8, 10, 12, 14, 16, 18 да аниқланди. Шу соатларда ҳаво ҳарорати ҳам ўлчанди. “Омад” ғўза нави транспирациясининг кунлик жадаллиги бўйича олинган маълумотлардан аниқланишича: 30-май куни эрталаб соат 8<sup>00</sup>да транспирация жадаллиги 290г/м<sup>2</sup> соатга, соат 10<sup>00</sup>да 420,3 г/м<sup>2</sup> соатга, соат 12<sup>00</sup>да 190 г/м<sup>2</sup> соатга, соат 14<sup>00</sup>да 180 г/м<sup>2</sup> соатга, соат 16<sup>00</sup>да

240 г/м<sup>2</sup> соатга ва соат 18<sup>00</sup> да 230,2 г/м<sup>2</sup> соатга тенг бўлганлиги кузатилди.

30-июнда транспирация жадаллиги соат 8<sup>00</sup> да 292,1 г/м<sup>2</sup> соатга, соат 10<sup>00</sup> да 422,0 г/м<sup>2</sup> соатга, соат 12<sup>00</sup> да 192,1 г/м<sup>2</sup> соатга, соат 14<sup>00</sup> да 182,0 г/м<sup>2</sup> соатга, соат 16<sup>00</sup> да 242,3 г/м<sup>2</sup> соатга, соат 18<sup>00</sup> да 232,1 г/м<sup>2</sup> соатга тенг бўлганлиги кузатилди.

30-июлда эрталаб соат 8<sup>00</sup> да 294,4 г/м<sup>2</sup> соатга, 10<sup>00</sup> да 424,0 г/м<sup>2</sup> соатга 12<sup>00</sup> да 194,2 г/м<sup>2</sup> соатга, 14<sup>00</sup> да 183,2 г/м<sup>2</sup> соатга, 16<sup>00</sup> да 244,0 г/м<sup>2</sup> соатга, 18<sup>00</sup> да 234,3 г/м<sup>2</sup> соатга тенг бўлганлиги кузатилди.

30-августда соат 8<sup>00</sup> да 296,5 г/м<sup>2</sup> соатга, 10<sup>00</sup> да 426,2 г/м<sup>2</sup> соатга, 12<sup>00</sup> да 196,0 г/м<sup>2</sup> соатга, 14<sup>00</sup> да 184,1 г/м<sup>2</sup> соатга, 16<sup>00</sup> да 246,0 г/м<sup>2</sup> соатга ва 18<sup>00</sup> да 236,0 г/м<sup>2</sup> соатга тенг бўлганлиги аниқланди.

“Омад” ғўза навининг ҳосилдорлик даражаси унинг биологик хусусиятларига, етиштирилаётган табиий шароитларига ва агротехник тадбирларга асосан ўзгариши мумкин. Бизнинг тажрибаларимизда “Омад” ғўза навининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотлар кўрсатишича кўсақларининг ўртача оғирлиги 5,9 г га тенг бўлди, тола чиқиши 35,7% га, тола узунлиги 34,8 мм га ва 1000 та чигитнинг массаси 129,8 г. га тенг бўлди. Ўртача ҳосилдорлик даражаси гектарига 39,6 центнерга тенг бўлиши аниқланди.

Умуман, Самарқанд вилояти Пайариқ тумани тупроқ-иклим шароитида етиштирилаётган ғўза нави ўзига хос биологик хусусиятларга эга эканлиги аниқланди. Ўсимликларнинг баландлиги июл ойининг охирида 89-90 см га етади. “Омад” ғўза нави ўзига хос транспирация жадаллигига эга бўлиши яъни куннинг эрталабги соатларида транспирация жадаллиги юқори, куннинг ўрта қисмида энг паст бўлиши аниқланди. Кўсақлари август ойининг бошидан бошлаб очила бошлайди ва 20-сентябрга бориб 92,5% кўсақларнинг очилиши кузатилади. Бу нав Самарқанд вилояти Пайариқ тумани шароитида гектарига 39-40 центнергача ҳосил бериши аниқланди. Ҳосил сифати юқори кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди.